XALQ DEPUTATLARI XORAZM VILOYATI KENGASHI

Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi, 23-uy, viloyat kengashlar uyi telefon: (62)223-01-60, faks: 223-01-60

Urganch sh.

2021 yil «29» март № 25-II3

Хоразм вилоятида "Хоразм сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президента Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 17 июль куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселекгор йиғилишининг 59-сонли баёни 7-бандида сув таъминоти худудий корхоналарини ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатларини инобатга олган ҳолда, тарифларни халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш тартибини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги "Ичимлик суви таъминоти ва оқава сув тизимини янада такомиллаштириш хамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6074-сонли Фармонининг 3-бандида 2020 йил 1 октябрдан бошлаб, худудларда ташкилий-хуқуқий шаклидан қатьий назар, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар), улар бўйича дастлаб монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Хоразм сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни тўғрисида халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қарор лойиҳаси юзасидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси хамда вилоят адлия бошкармасининг хулосалари олинган.

Сканировано с CamScanner

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6074-сонли Фармони ижроси учун қабул қилинсин.

2. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Хоразм вилояти бошқармаси ҳамда Хоразм вилоят молия бош бошқармасининг тегишли хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Хоразм вилоятида “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хоразмская правда” газеталарининг навбатдаги сонида эълон қилинсин ҳамда бир кунлик муддатда Қонун хужжатлари маълумотлари миллий база (lex.uz) да эълон қилиш учун вилоят адлия бошқармасига тақдим қилинсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари А.Одамбоев мазкур қарорни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига бир кунлик муддатда жойлаштирсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

6. Қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси Р.Шержанов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Қурбанов зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Ф.Эрманов**

PROTOKOL QISMI № 3

Сканировано с CamScanner

Халқ депутатлари Хоразм
вилояти Кенгашининг 2021 йил
“ 29” март даги 25-142-сон
қарори 1-иловаси

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУВ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН НАРХЛАР (ТАРИФЛАР)

Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) (сўм)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм)
“ХОРАЗМ СУВ ТАЪМИНОТИ”МЧЖ		
Ичимлик суви нархи		
Аҳоли учун 1м^3	1240	1500
Бюджет ташкилотлари учун 1м^3	2875 (ҚҚС билан)	3507,50(ҚҚС билан)
Улгуржи истеъмолчилар учун 1м^3	2875 (ҚҚС билан)	3507.50(ҚҚС билан)
Оқава суви нархи		
Аҳоли учун 1м^3	600	800
Бюджет ташкилотлари учун 1м^3	1322.50 (ҚҚС билан)	1495.00(ҚҚС билан)
Улгуржи истеъмолчилар учун 1м^3	1322.50 (ҚҚС билан)	1495.00(ҚҚС билан)
Техник суви нархи		
Аҳоли учун 1м^3	550	550
Улгуржи истеъмолчилар учун 1м^3	550	632,50 (ҚҚС билан)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMI
PROTOKOL QISMI № 3

Сканировано с CamScanner